МИЛЛИЙ ҚЎШИҚЛАР АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Успанова Рано Анваровна – ассистент ўқитувчи
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: талаба, қўшиқ, рок, поп, мусиқа, ансамбль, тўгарак, репертуар, қадрият, анъана, ёшлар, олийгоҳ, миллатлараро тотувлик, миллий маданият, эстетик, тарбия, куй, санъат, устоз-шогирд.

Ключевые слова: студент, песня, рок, поп, музыка, ансамбль, кружок, репертуар, ценность, традиция, молодежь, вуз, межнациональное согласие, национальная культура, эстетика, воспитание, пение, искусство, учитель-ученик.

Key words: student, song, rock, pop, music, ensemble, circle, repertoire, value, tradition, youth, university, interethnic harmony, national culture, aesthetics, education, singing, art, teacher-student.

Талаба-ёшларимизга бугунги кунда кўплаб мусиқа ахбороти таъсир этаётган бир даврда улар тинглаётган мусиқанинг сифати ва мазмуни ҳақида ғамхўрлик қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар кўпроқ замоновий куй-қўшиқларга меҳр қўймоқдалар, шунингдек, бугунги кунда улар қалбидан ўрин олган: рок, поп, ҳамда енгил жанрдаги мусиқа турлари ёш авлод қалбини тула забт этишга муваффақ булди. Ўрни келганда рок мусиқа турига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Мусиқа тарихидан бизга яхши маълумки, ритм ва мусиқавий интонация хақида ҳар хил даврларда муросасиз баҳс, мунозаралар юритилган. Бу сиз мусиқанинг ривожи бўлмаслиги табиий, албатта. Аммо, рок мусиқа турига нисбатан айрим мусобақаларда қалтис фикрлар ҳам айтилмоқта. Шуни эътиборга олиш лозимки, рок мусиқаси тасодифан пайдо бўлгани йуқ, гарчи шундай кўз юмуб, инкор қилиш нотўғри бўлар эди. Рок мусиқа санъати ҳам аслида давримизнинг муҳим кашфиётларидан биридир. Лекин биз ҳам масаланинг иккинчи томонига ўта маъсулият билан ёндошмоқликни инкор этмаймиз. Бугунги кунда турли номдаги дасталарнинг сони кўпайиб кетди. Аммо уларнинг барчаси ҳам санъат йўлида фидойилик кўрсата алмадилар, санъат ҳамда маданиятимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўша оладилар деб ишонч билдира олмаймиз. Уларнинг мусиқий маълумотларига, дунёқарашларига, ички оламига алоҳида эътибор бермоқ, қўшиқчи шоирлар ва бастакорлар алоқаларининг мустаҳкам бўлишига эътиборни қаратмоқ лозим. Янги ташкил этилган дасталарнинг деярли барчалари ўз репертуарини замонавий, енгил елпи мусиқа ва қўшиқлар билан бойитишга ҳаракат қилмоқдалар, бу яхши албатта аммо уларнинг ғоявий ва мантиқий даражаси биринчи навбатда бўлиши керек. Рок мусиқасининг ҳам эзгу ғоялар, янги-янги ритмлар, ёрқин оҳанглар билан тулиқ, умид ва яхши истакларни тарғиб ва ташвиқ қилиши шубҳасиз.

«Талабаларни мумтоз мусиқа мероси билан яқиндан таништириш, ҳаваскорлик тугараклари, санъат саройларида ташкил этилган халқ чолғу асбоблари ансамбллари фаолиятларини кенг ёйиш мусиқа санъати ривожини ва тараққиётини таъминлайди деган умиддамиз.

Мазкур ансамбларда нафақат миллий қадриятимиз, анъаналаримизни, қолаверса, қардош халқлар санъати ва маданиятини тарғиб қилиш вазифалари амалга оширилмоғи мақсадга мувофиқдир». [1] Бунда талабаларнинг ватанпарварлик ва байналминаллик туйғуларини шакллантирган ва ўстирган бўламиз. Жамоа билан ишлаш жараёнида талабалар ўз ўзини бошқариш, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, бир-бирларига ёрдам қўлини чўзиш каби яхши аҳлоқий сифатларни ўрганадилар. Ансамбларда талабалар бир-бирлари билан йиллар давомида дўстлашадилар. Улар раҳбар ёрдамида куйларнинг бастакорлари ҳақида, уша куйнинг ёзилиш услуби ҳақида маълумот оладилар, шу орқали ўзларининг миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашни шакллантира борадилар. Бундан ташқари ўз ижролари билан ўзлари, балки тингловчига ҳам эстетик завқ бағишлайдилар.

Мусиқа воситалари билан миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш жараёни ўзига хос хусусият, эмоционал таъсири билан кўзга ташланади. Мусиқа санъатида ҳам ғоявийлик биринчи ўринда туради. Бизнинг асосий вазифамиз талабаларимизни мазмунан яхши, янгидан янги асарлар билан бойитилишдан иборат булмоғи лозим, бу борада қорақалпоқ халқ мусиқаларининг роли ва аҳамияти жуда катта. Мусиқа санъати ёш авлодларимизнинг ҳис

туйғуларига эмоционал таъсир кўрсатади, ўзига ҳос бадиий образлар орқали хилма-хил руҳий ҳолат ва кайфиятларни ифода этади. Яъни барча ўқувчиларни мусиқа санъатига жалб этиш, ғоявий дунёсини ҳар томонлама такомиллаштириш назарда тутилади. [2] Келгуси бўлажак авлодларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб етишуви учун юксак бадиий дид ва маданий малака ҳосил қилиш, буларни албатта миллатлараро тотувлик руҳида тарбиясиз амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бизнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан талабаларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиясига катта аҳамият ва эътибор берилиши ҳақида аълохида этибор қаратдилар.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида айниқса бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил қилинмаган ҳеч қандай ташкилот ва муасссаса бўлмаса керак. Бунинг далили бўлиб Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали қошида ҳам кўпдан буён бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ташкил қилиниб ишлаб келмоқда. Олийгоҳимизнинг раҳбарияти томонидан бу соҳага катта ғамхурлик қилинмоқда. Талабаларимиз бу тўгаракларга фаол қатнашиб, ўз маҳоратлари ва қобилиятларини устириш билан бирга бир-бирлари билан мусобақа ўтказишмақдалар. Масалан, «Рақс», «Эстрада», «Бақшилар» каби мусобақалар жуда қизиқарли ўтказилмоқда. Олийгоҳимизнинг барча тўгараклари ичида фольклор ва этнография кафедрасида қара жорға ансамбли мавжуд. Бундан ташқари ҳар бир факультетимиз қошида кичик тўгараклар ташкил қилинган. Масалан: тикувчилик қўл ҳунари, тумар халқ ансамбли ва шунга ўхшаш ансамбль ва тўгараклар ҳам ташкил қилиниб яхши йўлга қуйилган. Улар репертуарларига қўйидаги асарлар киритилган. Бақшилар ансамблига «Игалай», «Гулпақ», «Кенес», «Мухаллес»нинг турлари, «Назлы», «Ҳаўжар», «Қызлар уйге кир», «Суў серпер», «Бозатаў», «Дуўтарым мениң», И.Юсупов шери, Қ.Турдықулов куйи «Ўатан тәрийпи», Ж.Шамуратов куйи. «Яғлы бәҳәр», «Налыш» нинг турлари, «Муўса» куйи, «Мың тумен», «Нар ийдирген», «Қарадәли», «Жарғанат», «Торғай намасы», «Қара жорға», «Шерназар намасы», «Зийўаржан», «Илме султон», Ансамбл учун: «Сегоҳ», мақомининг илловага қисмига киритилган «Сувора», «Дугох Хусаин II», «Дугох Хусаин IV», «Дугок Хусаин V», «Дугох Хусаин VI», Бузрук мақомидан «Қашқарча рок», «Уфори рок» қисмларини кўрик беллашувлар ҳам муваффақиятли олиб чиқишга мувофиқ бўлдилар.

Ансамбллар репертуарларига киритилган асарлар «Тоҳир ва Зухра» драмасидан «Отмагай тонг», «Қашқарчаи мустозоди наво», «Соқинамаи мустазоди наво», Рост мақомидан «Соқаномаи сафтикалон» каби асарлар киритилган. Бундай ташкил қилинган бадиий ва ҳаваскорлик тўгараклари миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашда асосий омил бўлиб, у ўзига хос бир ижодий мактаб бўлиб келмоқда. Чунки бу жамоаларда оддийликдан мураккабликга, яъни мўтахассисликкача бориб етадилар.

Қорақалпоқ халқ куйлари: «Аксунгул», «Биле кел», «Қошадас», «Дембермес», «Назлыңң», «Бармайман санем», «Жақсырақ» ва яна бошқалар. Юқорида таъкидлаганимиздек ҳамма ўтказилаётган курик мусобақалар талабаларимизнинг орасида ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу танловларни ўтказишнинг асосий мақсади талабаларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш шу билан бирга ижрочилик маҳоратини ўстириш ва маданий қадриятимизни билиш малакасини шаклландиришдир. Жамоада талабалар ҳам завқ оладилар, ҳам томошабинга завқ бағишлайдилар, яъни ўзи таъсирланса, иккинчи томондан у завқ бериб таъсирлантиради. Бу ерда ижрочи-талабалар ўз санъатини устозларга қиёслайдилар, изланадилар ва ижод қиладилар. Ўқитиш жараёнида биз талабаларни санъатнинг ҳар хил турлари бўйича, яъни ўзлари ёқтирган турлари бўйича, бир-бирлари билан бахслашганликларини, ўз маҳоратларига қойил даражада ишонч ҳосил қилганликларини кўрамиз. Бу ўтказилаётган тадбирларнинг яна бир яхши томони шундаки, қорақалпоқ халқ миллий санъатини, яъни халқ оғзаки-миллий профессионал санъатининг такомиллаштиришга қўйган ҳиссасидир ва уни ёшлар ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб бораётганидадир. Қорақалпоқ халқи бой ва ажойиб ҳусусиятларга эга бўлган ижодий халқ. Бу ижодда халқнинг ҳаёти, фикр ёди ва интилишлари акс этиб туради. Халқ жуда ажойиб куйларни-қўшиқларни оғзаки сақлаб

келмоқда. Бу халқимизнинг хазиналарини асрлар бўйи авлоддан авлодга ўтиб силлиқланиб, жилоланиб халқнинг турмуш шароитлари ўзгаришларига қараб янгил-лангани ҳолда, уларнинг энг яхшилари бизнинг даврimizгача етиб келмоқда. Бундай асарларимизнинг кўпи ҳозирги кунда ҳам халқимизнинг мусиқа ҳаётида ўз урнини йуқотмаган ва талабаларимизни миллатлар-аро тотувлик руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадур.

Адабиётлар

1. Азимов.Б.Г. Нравственное воспитание молодежи средствами народной музыки на материале музыкальной самодеятельности ПТУ Республики Ўзбекистан: дисс-канд, пед наук-Т; ТДПИ 1991, 188 с.

2. Моянов Ы. Қорақалпоқ халқ мусиқаси асосида ўқувчи-ёшлар маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришнинг ҳусусиятлари: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) . … дис. – Тошкент, 2019. – 153 б.

REZYUME: Бу мақолада олийгоҳда ташкил этилган ансамбль ва тўгаракларда талабаларимиз фаол қатнашиб, ўз маҳоратлари ва қобилиятларини устириш билан бирга бир-бирлари билан мусобақа ўтказиш, миллий қўшиқлар асосида талабаларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш ҳақида сўз этилган.

РЕЗЮМЕ: В данной статье рассказывается об активном участии наших студентов в ансамблях и клубах, организованных в университете, соревновании друг с другом наряду с овладением своими навыками и умениями, воспитании студентов в духе межнационального согласия на основе национальных песен.

SUMMARY: This article describes the active participation of our students in ensembles and clubs organized at the university, competition with each other along with mastering their skills and abilities, educating students in the spirit of interethnic harmony based on national songs.

JASLARDÍŃ ESTETIKALÍQ TÁRBIYASÍ RAWAJLANÍWÍNDA QARAQALPAQ BAQSÍSHÍLÍQ ÓNERI

S.E.Uzakov - *oqıtıwshı*
Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyat institutı Nókis filialı

Tayanısh sózler: atqarıw, sazende, baqsı, folklor, jiraw, xalıq atqarıwshı, muzıka.

Ключевые слова: исполнение, музыкант, бакчи, фольклор, жирау, народное творчество, музыка.

Key words: performance, musician, bakshi, folklore, jirau, folk art, music.

Prezidentimiz xalqımızdıń ruwxıy jetilistiriwinde dóretiwshilerdiń xızmeti oǵada úlken ekenin ayrıqsha atap ótip, rawajla-nıwımızdıń házirgi basqıshında barlıq taraw wákilleri qatarında mádeniyat hám kórkem óner xizmetkerlerinde jáne de belsene, jańadan-jańa dóretiwshilik ideyalar hám baslamalar menen jasaw, izleniw ruwxıy talap etilip atırǵanlıǵı atap ótti. Jaslardı watandı súyiwshilikke, tuwǵan jerge, xalıqqa Ana Watanǵa sadıqlıqqa taǵıda kóp ǵana adamgershiliktiń eń jaqsı paziyletlerin tárbiya-lawda muzıkanıń, ásirese xalıq muzıka ǵáziynelerinde batırlıq jırlar, terme-tolǵawlardıń, watan, miynet tuwralı hám úgit-násiyat qosıqlarınıń tásirsheńligi hámmege málim.

Qaraqalpaq xalqınıń muzıka mádeniyatı erte zamanlardan berli ósip rawajlanıp keledi. Bul rawajlanıw jaslardı tariyxshı alımlarımızdıń, ilimpazlardıń, ádebiyat hám kórkem óner izertlewshi alımlar, tárepinen izertlenip, hár tárepleme tastıyıqlanıp kelmekte. Qaraqalpaq xalqınıń muzıka mádeniyatın rawajlandırıwshılar, eń eskiden kiyatırǵan súyikli ónerpazlarımızdan esaplanılatuǵın-jırawlar, baqsılar, qıssaxanlar, qosıqshılar bolıp esaplanadı hám tilge alınadı. Olardıń sazı menen sózi xalıqtıń tilegine say únles bolıp keledi. Xalqımızdıń mádeniy miyrası bolǵan muzıka mádeniyatlarımızdı rawajlandırıwshılar bolǵan jıraw, baqsı, qıssaxan hám qosıqshılardıń tutqan ornı oǵada ullı.

Xalıqtıń awızeki ádebiyatın zamannan zamanǵa, atadan balaǵa alıp keliwshi, xalıq dóretpelerin yadlap, onı ózi jasaǵan zaman tiline beyimlep qayta islep, xalıqtıń awızeki sóz ónerin